

Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирлиги Қўнғирот
тумани тадбиркорлик
субъектларига давлат
хизматлари кўрсатиш
«Ягона дарча» маркази
№ 534 «08» 2017 йил
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

“Тасдиқлайман”
“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти бошқаруви
раиси биринчи туринбосари

А.С. Шукуров
2017 йил.



**«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
QO'NGIROT MINTAQAVIY TEMIR
YO'L UZELINING**

UNITAR KORHONASI

USTAVI

QO'NGIROT - 2017 y.

1 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси (бундан кейин «Узел» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 ноябр 2002 йилдаги 378 сон қарорига ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раисининг 07.11.2002 й. №270-Н буйрурига асосан ташкил топган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрельдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармонига ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК Кенгаши ва ягона акциядорнинг 2015 йил 30 апрелдаги 59-сонли кўшма йиғилиши қарорига мувофик “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК номи “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамиятига ўзгартирилди.

1.2. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамияти таркибида киради ва белгиланган чегараларда истеъмолчиларга темир йўл транспорти хизматларини тақдим этувчи ишлаб-чиқариш хўжалик комплекси бўлиб ҳисобланади.

1.3. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг унитар корхонаси бўлиб, таркибий бўлинмалардан иборатdir. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели бошқариш аппарати унинг таркибига киравчи бўлинмаларга нисбатан хўжалик бошқарувининг юқори турувчи органи ҳисобланади.

1.4. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, темир йўл транспортида ҳаракат ҳавфсизлигини назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси қарорлари, юкларни ташиш Қоидалари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси буйруқлари, бошқа меъёрий хужжатлар, шунингдек ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.5. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси Устави “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси томонидан тасдикланади.

1.6. Қўнғирот миңтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, мустақил бухгалтерия ва статистика ҳисоботига, юмалоқ рамзли муҳр ва бурчак штампига, фирма номи ва фирма варақасига эга.

1.7. “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамияти ва узел орасидаги молиявий-хўжалик алоқалар ҳамда узел ва унинг таркибий бўлинмалари орасидаги муносабатлар акциядорлик жамияти Кенгаши томонидан тасдикланган Низом орқали бошқарилади.

1.8. Узел идорасининг манзили: 230600 индекси, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 76 уй.

2 Кўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасининг асосий вазифалари ва функциялари.

2.1. Узелнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборатdir:

- аҳоли ва хўжалик субъектларини темир йўл ташишларига бўлган эҳтиёжини тўла ва ўз вақтида қондириш;
- ташувлар минтақавий бозори конъюнктурасини ўрганиш, уларнинг инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек темир йўл тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- темир йўл транспортининг хизмат кўрсатиладиган худуд доирасида барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, фойдаланувчиларга кенг кўламда темир йўл хизматларини кўрсатиш;
- жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошкарув органлари билан биргаликда темир йўл транспорти бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустахкамлашга дойир чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш;
- хизмат кўрсатиладиган худуддаги темир йўл тармоқларининг барқарор ишлашини, ҳамда темир йўлларининг ўтказиш қобилиятини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси чегаралари орқали юк ва йўловчиларни ташиш борасида жойлардаги божхона ва солик органлари, чегара хизмати билан аниқ мувофиқлаштирилган ҳолда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

2.2. Узел ўз зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш учун қуидаги функцияларни бажаришни таъминлайди:

а) ташиш жараёни доирасида:

- белгиланган юк ташиш режаларини бажаришни таъминлаш;
- белгиланган чегаралар доирасида, шу жумладан давлатлаара тулаш пунктлари орқали, чегаралар божхона ва хукуқни химоя қилиш органлари билан биргаликда юк ва йўловчи поездларини тўсиқсиз ўтишини таъминлаш;
- ўзел таркибий бўлинмалардаги барча техник жихозларни шай ҳолда тутиш;
- юк ташиш хужжатларини тўлдириш қоидаларига амал қилиш;
- ёнгин хавфсизлигини, юк, почта, багаж ташиш ҳамда транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш;
- фавқулодда вазиятларининг вужудга келиш шароитларида тадбирларни бажаришни ташкил этиш;
- ташиш жараёнида қатнашувчи барча бўлинмаларнинг ўзаро аниқ ҳамкорлигини таъминлаш;
- портловчи, тез ёнувчи ва заҳарли моддаларни ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш;
- темир йўл транспорт воситаларини фалокатсиз ташиш чора тадбирларини ташкил қилиш ва бажариш;
- давлат сирларини ва хизматга тааллукли маълумотларни тарқалишини олдини олувчи чора тадбирларни кўриш.

б) иқтисод ва молия соҳасида:

- бўлинмаларни хўжалик бошқарувини ташкил қилиш;
- узел таркибига кирувчи бўлинмаларнинг барча фаолият турлари бўйича молиялашни ташкил қилиш;
- узел Ўзбекистан Республикасининг «Бухгалтерлик ҳисоби хақида»ги қонуни бўйича, бухгалтерлик ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳолда бухгалтерлик ҳисобини юритади. Молиявий ва статистик ҳисботни амалдаги қонунчилик хужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширади;
- узел белгиланган тартибда акциядорлик жамиятига, солик ва бошқа давлат идораларига амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ равишда ўз молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари хақидаги зарур бўлган маълумотларни тақдим этади;
- темир йўл хизматлари учун барча тўловларни ўз вақтида ва тўла ундириш ҳамда уларни “Ўзбекистон темир йўллари”Акциядорлик жамиятнинг асосий даромад ҳисоб ракамига ўтказиш;
- ташилган юклар учун дебитор қарзларни ва уни тугатилишини назорат қилиш ва уни ҳисобга олиш, дебитор қарзларни ундириш бўйича хужжатлар тайёрлаш ва уни хўжалик судига ошириш;
- бекатлардаги юк-товар идорасида ўта мухим бўлган хужжат варақаларини сақлашни таъминлаш;
- узел бўлинмалари молиявий-хўжалик фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини тузиш;
- транспорт техника воситаларини ҳамда иморат ва иншоатларини таъмирашни ташкил қилиш;
- узел ходимларининг иш хақлари ва мукофотлаш системаси ва турларини аниқлаш ҳамда бу ишларни бўлинмаларда назорат қилиш; соғ тушумнинг 0,7 % микдорида нафака жамғармасига бадаллар, қўшимча қийматга солик, даромадга соликлар тўловларидан, ҳамда автомобиль йўллар таъмири ва қурилишига чегирмалар, инфратузилмани ривожлантириш учун соликларидан ташқари ҳамма турдаги соликлар ва чегирмалар тўловлари ва ҳисбларини амалга ошириш;
- бекатлардан ва ПКО лардан ТехПД ва «Ўзтемирийўлҳисоб» марказига ташиш хужжатлари ҳамда ундирилган тўловлар бўйича ҳисботларни ўз вақтида етказиш;
- дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича чора тадбирлар тузиш ва уни бажариш;
- узел таркибий бўлинмалари ходимлариини мукофотлаш Низомини тасдиқлаш;
- узел ҳамда таркибий бўлинмалар иқтисодий ва ижтимоий тараккиётининг истиқбол режаларини тузиш;
- хўжалик судларида ва бошқа давлат органларида узел ва таркибий бўлинмалари хуқук ва манфаатларини муҳофаза қилиш;
- узел бўлинмалари йиғма балансини тузиш ва уни керакли давлат органларига тақдим қилиш;

в) техник сиёsat соҳасида:

- янги техника ва технологияларни, илфор тажрибаларни жорий этиш, ихтиро, рационализаторлик ва патент-лицензия этиш фаолиятини ривожлантириш;

атроф мұхитни заарли чиқиндилардан саклаш ва экологик тоза технологияларни, жараёнларни ва заарли чиқиндиларни камайтирадиган транспорт воситаларини көнг жорий этиш.

г) моддий техника таъминоти соҳасида:

- узел таркибий бўлинмаларининг асосий воситаларини соз холда тутиш ва уларни нормал холда ишлатиш учун керакли бўлган эҳтиёт кисмлар ҳамда ёнилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш;

- фалокатлар, авариялар ва бошқа назарда тутилмаган ҳодисаларининг оқибатларини бартараф этиш учун моддий-техника ресурсларнинг барча турларидан заҳиралар ташкил этиш;

- ресурслар ва энергияни тежаш бўйича ишларни ташкил этиш;

- фавқулотда вазият даврида узелнинг сафарбарлигини таъминлаш учун моддий техника ресурслари заҳираларини тузиш ва тайёрлигини таъминлаш.

д) кадрлар, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида:

- ходимларни саралаш, уларнинг хизматда ўсишини, маъсулиятини оширишни, рағбатлантирилиши ва ижтимоий муҳофазаси шароитларини яратиш билан шуғулланиш;

- узел эҳтиёжи асосида кадрларни касбий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш;

- ўкув муассасаларида мутахассислар ва оммавий касблар бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

- самарали кадр сиёсатини ўтказишни таъминлаш;

- поездлар харакати билан бевосита боғлиқ бўлган узел ходимларининг алохидаги тоифаси учун дам олиш вақти ва иш вақти режимини бажаришни таъминлаш;

- узел ходимлари аттестациясини ўтказиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнат ва техника ҳавфсизлигини таъминлаш.

2.3. Санаб ўтилган вазифалардан ташқари, Узел темир йўл транспорти обьектларидан фойдаланиш қоидалари, маневр ишлари ва поездлар харакати ҳавфсизлигини таъминлаш талабларини ўз бўлинмалари томонидан бажарилишини назорат қиласи.

3 Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси фаолиятининг бошқарилиши

3.1 Узел ва унинг девони фаолиятини бошқариш узел бошлиғи томонидан амалга оширилади.

3.2 Узел бошлиғи, узел бошлиғининг ўринбосари, бош мұхандис «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадилар ва озод этиладилар.

3.3 Узел бошқаруви бўлимларининг бошлиқлари ишга «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқ-

ланган лавозимлар номенклатурасига асосан келишилган холда тайинланадилар ва ишдан озод этиладилар.

3.4 Узел бошлиғи йўқлиги вақтида унинг мажбуриятлари бош муҳандис ёки бошлиқ ўринбосарига узел бошлиғи буйруғи билан юкланди.

3.5 Узелнинг бошлиғи:

- тасдиқланган лавозимлар номенклатураси асосида кадрларни саралаш ва жойлаштириш ишларини амалга оширади;
 - ўз ваколати доирасида узелнинг ҳамма ҳодимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар, йўриқномалар ва буйрукларни чиқаради.
- 3.6 Узел бошлиғи қўйидагилар бўйича шаҳсан жавобгардир:
- узелга юклangan вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
 - маблағларнинг мақсадли ишлатилиши.

3.7. Узел раҳбарлари қўйидаги хуқуқларга эга:

3.7.1. Бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан хўжалик шартномаларини тузиш, бажарилишини назорат қилиш ва конунчиликда белгиланган тартибда бекор қилиш;

3.7.2. Хўжалик шартномалари тузиш учун бўлинма бошлиқларига ишончномалар бериш;

3.7.3. Акциядорлик жамияти бошқаруви раисига бўлинмаларнинг қайта тузилиши, бўлиниши, уларнинг бекор қилиниши, бирлашиши, узел таркибиغا киравчи бўлинмаларнинг тузилмасини такомиллаштириш мақсадида техник ва иқтисодий асосланган таклифларни киритиш;

3.7.4. Акциядорлик жамиятига тегишли бошқармалар ва марказлар билан мувофиқлаштирилгандан сўнг, узел таркибиغا киравчи бўлинмалар Низомларини тасдиқлаш;

3.7.5. Узел таркибиغا киравчи бўлинмаларнинг ишлаб-чиқариш ва молиявий кўрсаткичларини тасдиқлаш;

3.7.6. Узел таркибиغا киравчи бўлинмаларнинг тузилмавий структурасини ва штат жадвалини тасдиқлаш;

3.7.7. Банкларда ҳисоб рақами ва бошқа турдаги рақамлар очиш;

3.7.8. Ўзининг бўлинмаларига, ишчиларга ойлик тўлаш учун, банкларда суб.рақамини очишга рухсат бериш;

3.7.9. Шуъба корхоналар ва хўжалик жамиятларини (шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини) ташкил этиш, мулкини сотишни эса, факатгина «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви рухсати билан амалга ошириш.

4 Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасининг мулки, воситалари ва маблағлари

4.1. Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасининг Устав жамғармаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 70-моддаси билан бириктирилган узел таркибиغا киравчи бўлинмалар мулки асосида шаклланади. Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар

корхонаси Устав жамғармасининг микдори 40 776 149 минг сумдан иборат бўлиб, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошкарув раиси буйруғи билан тасдиқланади.

4.2. Узелнинг мулкини асосий ва айланма маблағлар ҳамда узел балансида киймати ифода этиладиган бошқа мулклар ва пул маблағлари ташкил этади.

4.3. Узел юридик шахс бўлиб ҳисобланади ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан бириктирилган мулкга эга. Ўз номидан мулкий ва шаҳсий номулкий хуқуқларга эгалик қилиш ва амалга ошириш, маъсулиятли бўлиш ва судларда даъвогар ва жавобгар бўлиш хуқуқига эга.

4.4. Узел ўз ихтиёрида бўлган маблағларни хамма бўлинмаларнинг манфаати учун ишлатади, белгиланган тартибда қуриш, тиклаш, харид қилиш, кўчмас ва кўчар мулкни ижарага олиши ва бериши мумкин.

4.5. Узел ўз бўлинмалари фаолиятини назорат қиласи, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади.

4.6. Узел ихтиёрига мулк хўжалик юритиш хуқуки асосида берилади.

4.7. Иқтисодий жихатдан фойдаланилиши мақсадга мувофик бўлмаган, бутунлай эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш узел томонидан амалга оширилади, бош темир йўллар участкалари ва харакатдаги таркиблар (составлар) бундан истиснодир, чунки улар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раҳбариятининг руҳсати билан ҳисобдан чиқарилади.

5 Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасининг хуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси таркибиға киравчи бўлинма ходимлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳодимлари учун белгиланган барча хуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

5.2. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси мажбуриятлари бўйича маъсулиятли бўлмагандек, Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси ҳам «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

5.3. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибиға кирмайдиган корхона ва муассасалар учун кўрсатилган хизматлар ва бажариладиган ишлар бўйича шартномалар орқали эркин нархларни белгилаш иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда;

5.4. Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси ваколати чегарасида биргаликда ишламоқчи бўлган бошқа корхоналар ва алоҳида шаҳслар билан ўзаро фаолиятни амалга ошириш;

5.5. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ рухсати бўйича, унинг номидан, ишчиларнинг ойлигини тўлаш учун кредитлар олиш ва уни тўлаш

6 Хисобга олиш, хисобот ва назорат

6.1. Амалдаги қонунчиликка ва норматив-хуқуқуний далолатномаларга асосан Кўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонаси ўзининг ва бўлинмалари фаолиятининг тезкор, молия ва статистик хисоботини олиб боради;

6.2. Таркибий бўлинмалар, ўрнатилган тартиб бўйича хисобот ва маълумотларни Кўнғирот минтақавий темир йўл узелига, Кўнғирот минтақавий темир йўл узели эса, хисобот ва маълумотларни Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органларига, солик бўйича хисобот (марказлаштирилганларидан ташқари) - солик органларига ва шунга ўхшаш хисоботлар статистик органларга тақдим қилинади;

6.3. Мулк ва воситаларнинг ишлатилишини, иш фаолиятининг натижаларини, солик қонунчилигига амал қилинишини Кўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасида ва бўлинмаларда назорат қилиш “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамияти ижро этувчи аппарати, солик ва бошқа давлат органлари томонидан, уларнинг ваколати чегарасида бажарилиши мумкин.

7 Кўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасининг қайта тузилиши ва тугатилиши.

7.1. Кўнғирот минтақавий темир йўл узели Унитар корхонасининг қайта тузилиши ёки тугатилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ уставига мувофиқ холда амалга оширилади.



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017-yil «09» 10

TOSHKENT

No 1852-HZ

«Қўнғирот минтақавий темир йўл узели»
унитар корхонасининг уставини
тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 28 октябрдаги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Бошқарув фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 375- сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» унитар корхонасининг устави иловага мувофиқ тасдиқлансан ва маҳаллий ҳокимият органларида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб кучга кирган деб ҳисоблансан.
2. «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси (Кудайназаров) мазкур Устав давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг икки хафталик муддатда узел таркибидаги барча таркибий бўлинмаларга етказиш вазифаси юклатилсан.
3. «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси устави давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг узелнинг 2015 йил 2 декабрдаги № 201-H буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.
4. Мазкур буйруқ ижросини ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раисининг
биринчи ўринbosари

А.С.Шукуров

ЛИСТ СОГЛАСОВАНИЯ

К приказу от «09» 10 20 года № 1852-НЗ

Рассыпается : _____

Внесен: УП «РЖУ-Кунград»

Согласован: НЗД
НЗК

ГМ-ГИ

НФ

НОК

НН

НЮ

УТТК

НСР

НКО